O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 15-IYUN ■ SESHANBA ■ 72 (27.247) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ҚУМ БАРХАНЛАРИ БАҒРИДАГИ «МЎЪЖИЗА»

**Мамлакат ёнилғи-энергетика тизимида муҳим ўрин тутган «Муборакнефтегаз» корхонаси ҳаётидан**

— Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат кони «Муборакнефтегаз» унитар корхонаси тизимидаги йирик конлардан ҳисобланади. Бу ерда 1994 йилда нефть тайёрлаш, 1995 йилда газ тайёрлаш қурилмалари, 1997 йилда эса ер остига газ ҳайдаш компрессор станцияси ишга тушган.

Бу ердаги юзлаб қудуқлардан бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 280 миллион кубометрдан зиёд газ ва нефть олинаяпти. 3600 кишилик жамоа беш ойда 15 миллиард 876 миллион кубометр газ, 1 миллион 670 минг кубометр нефть, 791 тонна конденсат, 11 минг 530 тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарди.

**Суратларда:** қурилма кузатувчилари Нақшбанд Зоиров, Зафар Адизов, Наим Ғаппоров, Шокир Зоировлар; ер остига газ ҳайдаш компрессор станцияси смена бошлиғи Мансур Зуҳуров билан оператор Умур Ботиров; Зеварда газ кони компрессорлари.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**







## ХИТОЙ РАҲБАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 14 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Ху Цзиньтао Ўзбекистонга илк бор давлат ташрифи билан келди. ХХР Раисининг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга иштиёқ икки томонда ҳам баланд эканидан яна бир далолатдир.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилади, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашади. Ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ХХР Раиси 16-17 июнь кунлари Тошкентда бўладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саммитида иштирок этади.

**(ЎзА)**

## ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

2004 йил 16-17 июнь кунлари Тошкентда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай ҳамда Мўғулистон делегацияси меҳмон сифатида қатнашади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити чоғида ушбу халқаро ташкилот фаолиятига доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси якунлари бўйича қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви доирасида Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади.

3-бет

## ЎЗБЕКИСТОН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ СЕССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ

**Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бўлажак 59-сессияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.**

Бош Ассамблеянинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Осиё гуруҳи томонидан мазкур ўринга тавсия этилган бешта давлат қаторида Ўзбекистон Республикаси номзоди ҳам аъзо мамлакатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Раис ўринбосари сифатида Ўзбекистон Бош ассамблеянинг Асосий қўмитаси таркибига кирди. Шу асосда, Ўзбекистон бўлажак сессия кун тартибини ишлаб чиқиш, турли ташаббусларни ўртага ташлаш, халқаро аҳамиятга молик муаммоли масалаларни муҳокама этиш ишларида иштирок этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бундай масъулиятли вазифага муносиб топилгани мамлакатимизнинг БМТ доирасида алоҳида ўрин тутишидан далолатдир. Қолаверса, бу халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш, глобал хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш каби қатор йўналишларда Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган фаол саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос бир эътирофи ҳамдир.

**«Жаҳон» АА**

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

## КОНФЕРЕНЦИЯ, УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон ХДП Зарафшон шаҳар ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Танқидий руҳда ўтган йиғилишда партия кенгашининг беш йиллик фаолияти таҳлил қилинди. Кун тартибига қўйилган асосий масала юзасидан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Б.Қосимов маъруза қилди. Анжуманда ХДПдан сайланган шаҳар Кенгаши депутатлар гуруҳи фаолияти тўғрисидаги ахборот, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устави (янги таҳрири) лойиҳаси тўғрисидаги ва бошқа масалалар ҳам йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди. Баҳодир Қосимов ХДП Зарафшон шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди. Навоий вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров иштирок этди.

✧ ✧ ✧

**ЎзХДП Қарши, Гулистон шаҳар ташкилотлари** конференцияларида ҳам долзарб масалалар муҳокама қилинди. Улар юзасидан Қарши шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р.Муртазоев, Гулистон шаҳар партия кенгаши ижроия бюро аъзоси, «Сирдарёэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Кўчқоровларнинг маърузалари тингланди. Гулистон шаҳар партия ташкилоти конференциясида ХДП Марказий Кенгаши котиби С.Усмонов сўзга чиқди, Қаршида ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби О.Равшанов сўзлади, Қарши шаҳар ҳокими И.Асадов иштирок этди.

✧ ✧ ✧

ЎзХДП МК биринчи котиби А.Рустамов Зарафшон шаҳридаги академик лицей жамоаси, «Қизилқум» футбол клубининг аъзолари билан учрашувлар ўтказди. Бўлиб ўтган суҳбатларда Олий Мажлис XIV сессияси якунлари, мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтишнинг афзалликлари ҳамда жорий йил якунида бўлиб ўтадиган ялпи сайловлар ҳақида фикр юритилди. Учрашувлар қатнашчилари, айниқса ёшлар кўпгина фойдали маълумотларга эга бўлдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бўлиб ўтган учрашувларда Зарафшон шаҳар ҳокими А.Умаров иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Солиҳбоев Исломободда мамлакат президенти П.Мушаррафга ишонч ёрлиқларини топширди.

Топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**«Жаҳон» АА**

## ФЕДЕРАЦИЯГА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

**ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Қ.Қаршиев).** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Бадиий гимнастика федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Унда федерация раҳбарлари, спорт мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Спортнинг ушбу нафис тури бўйича ҳам юртдошларимиз жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани таъкидланди. Бадиий гимнастика юртимизда тобора оммалашмоқда.

Йиғилишда «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳомийлик кенгашининг раиси Л.Каримова бадиий гимнастика федерацияси президенти этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова қатнашди.

## ИИВ АКАДЕМИЯСИДА БИТИРУВ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бу йилги битирув маросими мазкур Академия ташкил этилганлигининг 10 йиллиги нишонланадиган паллага тўғри келди.

Саф майдонида ўз халқига, Президентига, Конституциясига ҳамиша содиқ бўлишни мақсад қилган битирувчилар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари, Ички ишлар вазирлиги вакиллари, фахрийлар, профессор-ўқитувчилар тўпланишди.

— Бу йил ўқув даргоҳимизда «юриспруденция» йўналиши бўйича 600 нафар йигит-қиз бакалавр даражаси ҳамда лейтенант унвонлари олишди, — дейди Академия бошлиғи ўринбосари, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Шуҳрат Ғойибназаров. — Шунингдек, магистратурада таълим олган 115 нафар ёш кадрларимиз ҳуқуқшуносликнинг турли йўналишлари бўйича магистр бўлиб етишдилар. Раҳбар кадрлар малакасини ошириш факультетидан ҳам 30 нафар зобитимиз магистрлик даражаси олишди...

Маросимда сўзга чиққан Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х.Зокиров битирувчиларга ўз дил истакларини билдириб, уларга Академияда олган назарий билимлари ва касбий кўникмаларини эл-юрт осойишталиги ҳамда фаровонлиги йўлида сарфлашлари учун катта муваффақиятлар тилади.

Маросим сўнггида бўлиб ўтган суҳбатларда битирувчиларнинг ота-оналари ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари таркибига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

**Ўз мухбиримиз**

## ЮРТИМИЗДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасида муштараклик кўп. Ҳар икки халқ меҳнаткаш, самимий, очиқкўнгил ва бағрикенг. Юртимизда ўтган Хитой маданияти кунларида ана шу жиҳатлар яна бир карра намоён бўлди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда алоқалар янги, юксак поғонага кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига, Хитой раҳбариятининг юртимизга ташрифлари ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Ана шу ҳамкорлик доирасида ўтган Хитой маданияти кунлари икки мамлакат халқлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ушбу тадбир ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиб, юртдошларимизни хитой халқининг маънавий хазинасидан баҳраманд этди. Маданият кунлари ХХР раҳбари Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи, Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммити арафасида ўтгани алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу ўзига хос санъат байрами қадимий халқ маданияти, санъати, урф-одати, бой анъаналари билан кенгроқ танишиш имконини берди. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан Хитойнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида хитой фильмлари кунлари ташкил этилди. Фестивалга тақдим этилган фильмлар Хитой кинематографияси ўзининг миллий анъаналари билан жаҳон кино санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини намойиш этди.



Хитой маданияти кунлари доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали ва Замонавий санъат марказида мазкур юрт мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмалари очилди. Кўргазмада намойиш этилган юздан зиёд асарда Хитойнинг бугунги ҳаёти, табиати, тарихий обидалари, миллий анъаналари, урф-одати, турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Дунёга донғи кетган «Гуань Чжоу» цирки усталари ўзларининг маҳорати, юксак санъатини томошабинларга намойиш этди. Ушбу жамоа АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Дания каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда кўплаб мукофот ва совринларни қўлга киритган.

Халқларни бир-бирига яқинлаштиришда мусиқа санъатининг қудрати беқиёс. «Туркистон» саройи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида намойиш этилган концертларда бу яна бир бор ўз аксини топди. Хитой филармонияси бадиий жамоаси ижроси орқали ҳамюртларимиз ушбу халқ миллий мусиқа санъатининг энг ноёб намуналари билан танишди. Бундай маданий тадбирлар қадимий Самарқанд шаҳрида ҳам ўтказилди.

Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари воқеаларга бой, сермазмун, байрамона руҳда ўтгани тадбирнинг ёпилиш маросимига бағишланган кечада алоҳида таъкидланди. Маданият кунлари якунланган бўлса-да, халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораверишига шубҳа йўқ.

Хитой маданияти кунларига бағишлаган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Гао Юйшэнь иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## AIR FRANCE: ТОШКЕНТ — ПАРИЖ ЙЎНАЛИШИ

XXI аср авиацияси саноқли соатлар ичида шаҳарлар ва мамлакатларни муваффақиятли боғлаб, ер куррасининг исталган нуқтасига етказиб қўяди. Шу ўринда манзилингизга тез фурсатда етиб боришингиз, яхши хордиқ чиқаришингиз ёки амалий сафарингиз муваффақиятли ўтиши учун бунинг нақадар муҳим аҳамиятга моликлигини айтмаса ҳам бўлади. 19 июндан бошлаб Франциянинг AIR FRANCE авиакомпанияси Тошкент — Париж йўналиши бўйича мунтазам парвозларни йўлга қўяди. Россиянинг энг йирик туроператори — KMP GROUP директорлар кенгашининг раиси, AIR FRANCEнинг бош агенти Владимир Канторовичнинг таъкидлашича, ушбу йўналиш бўйича ҳафтасига икки маротаба парвозлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда очилган француз авиакомпаниясига тегишли KMP Avia Vostok идораси ўзбек сайёҳларининг наинки Францияга, балки Париж орқали Европанинг бошқа давлатларига боришларига ҳам қулайликлар яратади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Франция сайёҳлар ташрифи кўлами жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Чунончи, жорий йилнинг ўзидаёқ 74 миллион сайёҳ Францияда бўлганлиги бунинг яна бир тасдиғидир.

**Алишер РЎЗИЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 15 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 700,39 | 1 Хитой юани | 122,87 | 1 ЕВРО | 1217,22 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1845,11 | 1 Малайзия ринггити | 267,66 | 10 Жанубий Корея вони | 8,75 |
| 1 Дания кронаси | 163,86 | 1 Польша злотийси | 267,63 | 10 Япония иенаси | 91,79 |
| 1 БАА дирхами | 276,89 | 1 СДР | 1487,00 | 1 Россия рубли | 35,02 |
| 1 АҚШ доллари | 1016,98 | 1000 Туркия лираси | 0,68 | 1 Украина гривнаси | 191,09 |
| 1 Миср фунти | 163,37 | 1 Швейцария франки | 805,59 | | |
| 1 Исландия кронаси | 14,00 | | | | |
| 1 Канада доллари | 743,84 | | | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

*Буюк Хитой давлати қадимданоқ ўзига хос маданияти, анъана ва қадриятлар билан жаҳонга машҳур бўлган. Неча минг йиллик тарихи мобайнида бу мамлакатда шаклланган шарқона санъат намуналари ўзининг бежиримлиги ва юксак бадиий ифодаси билан дунёнинг бошқа халқларини доимо жалб этиб келган. Айниқса, хитойлик ҳунармандлар томонидан яратилган чинни ва ипак буюмлар, тасвирий санъат асарлари бугунги кунда ҳам жаҳон бозорларида юқори ўринни эгаллайди.*

*Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги узвий алоқалар маданиятларимиз сингари теран илдизга эга. Бу яқинлик мустақиллик даврида мамлакатларимиз ўртасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ришталари туфайли янада дунёвий аҳамият касб этмоқда. Бунинг далили сифатида 1992 йил 13 мартда имзоланган икки давлат ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни келтириш мумкин.*

*Кейинги йилларда биргина таълим соҳасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик натижасида иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янги қирралари очилмоқда. Хусусан, 1999 йил 8 ноябрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим»га кўра, ҳар йили 20 нафар талаба ўзаро алмашинади. Бугунги кунда хитойлик 21 нафар талаба-ёшлар республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.*

*Давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкиллаштирилган «Хитой маданияти кунлари» кўҳна хитой маданиятини улуғлаш билан бирга, иккала халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини жипслаштиришга хизмат қилади.*

*Қуйидаги мақолада эса биз Хитой халқининг азалий қадриятларига хос айрим сифатлар хусусида сўз юритмоқчимиз.*

# ДЎСТЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

### ИПАК ВАТАНИ

Хитойда қадимдан ипак қурти парвариш қилиш ва ундан тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Археологик манбаларга кўра, Хитойда ипак мато тўқиш ва унга гул тушириш ускунаси тахминан 5-6 минг йил аввал яратилган экан. Бундан ташқари, ипак мато савдоси азалдан хитойликлар томонидан товар айирбошлаш воситаси ҳисобланган. Масалан, Ғарбий Хан даври бронза идишларидаги ёзувларда ўша даврда бир от ва бир бойлам ипак толасига бешта қулни сотиб олиш мумкинлиги қайд қилинади.

Қадимги Хитойда деҳқончилик қатори ипак етиштириш ҳам асосий ўринда турган. Ипак ва ундан ҳар хил буюмлар тайёрлаш борасида юзага келган анъаналар бу мамлакатда ипакчилик муҳим қадрият сифатида улуғланиб келинаётганидан дарак беради. Буни ушбу анъана қадимги Хитой расмларида акс этганидан ҳам билиш мумкин. Чанша шаҳрида ўша даврга тегишли қабрларда археологик қазув ишлари олиб борилганда, 20 га яқин ипак мато парчалари топилиб, уларнинг бўёғи ва орнаментлари 2000 йил давомида ер остида бўлганига қарамасдан яхши сақланиб қолгани аниқланган. Шарқий Хитойда (ҳозирги Цзянсу ва Чжецзян) Шимолий Сун сулоласи пайтида ипак етиштириш жуда тез ривожланган.

Замонлар ўтиши билан жанубда ипак ишлаб чиқариш технологияси шимолга нисбатан ўзиб кетди. Дунёдаги энг зўр ипак мато Сычуанда ишлаб чиқарилган. Дунцзин шаҳрида (ҳозирги Кайфын) хоқон ва амалдорлар учун махсус ипак мато ишлаб чиқарадиган устахоналар бўлган.

Тарихий манбаларга кўра, ипак матосини ташқи давлатларга олиб чиқиш Хан сулоласи даврига тўғри келади. Бу даврда хоқонлар бошқа мамлакатлар билан ипак савдосини йўлга қўйиб, карвон йўлларига асос солинган. Шундай қилиб, Хитой ипаги ғарбий Осиёга, ундан Европага тарқалган. Чанъан шаҳридан бошланган ипак йўли Марказий Осиё давлатлари орқали Европага қадар етган бўлиб, унга «Ипак йўли» деб ном берилган. «Ипак йўли» атамаси биринчи бор немис сайёҳи ва олими Рехтгофен ёзувларида учрайди, кейинчалик эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги бошқа карвон йўллари ҳам шундай номлана бошлаган.

Маълумотларга қараганда, Хитой ипаги Римда ҳам жуда қадрланган. У пайтда римликлар Хитойни «Серис» деб аташган. Бунинг маъноси «Ипак ватани» демакдир.

2000 йил давомида қуруқлик ва денгиз йўллари бўйлаб Хитой цивилизациясининг ноёб намуналари — ипак, чинни ва қоғоз мунтазам равишда Ғарбга, жаҳоннинг бошқа мамлакатларига йўл олади.

Ипакдан ташқари хитойликлар қадимдан каноп ва ундан мато тўқиш, кейинроқ эса пахта етиштиришни ўзлаштиришган. Бугунги кунда ушбу тармоқлар мамлакат иқтисодини ташкил этувчи асосий даромад манбаи бўлиш билан бирга, анъанавий хитой маданиятининг узвий бўлаги ҳам ҳисобланади. Ҳозирда дунёнинг исталган давлатида Хитойнинг шарқона гўзаллик акс этган бежирим маҳсулотларини учратиш мумкин.

### ШИФОБАХШ ЧОЙ ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?

Хитой чойнинг ҳам ватанидир. Хитойликлар дунёда биринчи бўлиб чой ўстиришни бошлашган ҳамда уни ишлаб чиқариш технологиясини кашф этишган. VIII асрда хитойлик Лу Юй «Чой ҳақида китоб» деб номланган асарини ёзган. Унда чойнинг келиб чиқиши ҳақида, уни териш, баргларига ишлов бериш ҳамда чой дамлаш усуллари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, чой ичиш ва дамлаш учун идиш ва анжомларга оид кўрсатмалар берилади. Ушбу асар чой ҳақида тўлиқ маълумот берувчи дунёдаги биринчи манбадир.

Чой Ғарбий Хан даврида асосан амалдорлар орасида урф бўлган. Улар дафн этилганда ҳам қабрига махсус идишларда чой ва чой анжомлари қўйилган. Буни турли манбалар ҳам тасдиқлайди. Кейинчалик бу ичимликни меҳмонлар дастурхонига қўйиш расм бўлган. Ушбу одат IX асрда Япония ва бошқа қўшни давлатларга ҳам кириб борган.

Хитой мақолларидан бирида «одатдаги ҳаёт учун 7 та нарса керак бўлади: ўтин, гуруч, ёғ, туз, соя, сирка ва чойдир» деб чойни аҳамиятини кўрсатиб берган.

Маълум бўлишича, чой нафақат чанқоқни қондиради, балки таом ҳазм бўлишига ёрдам беради, шунингдек ақлий фаолиятни ҳам маромига солади. Чой ичиш маданияти қадимдан Хитойда мавжуд бўлиб, у махсус идиш-анжомлар ҳамда чой навларини, бундан ташқари чой дамлаш услуби, қўйилиши ва бир қатор махсус қоидаларидан иборат бўлган анъаналарни ташкил этади. Ушбу услуб ҳозирги кунда яна ҳам ривожланган шаклида (Чадао) Японияда сақланиб қолган. Қолаверса, бугунга келиб бутун дунё халқлари чойни севиб истеъмол қилишади.

Чой тарқалиши билан чойхоналар ҳам кўпайиб борган. Уларнинг тўрт тури, яъни: цзин, су, юе ва чуан мавжуд бўлган. Цзин номли чойхоналарда ҳар хил намойишларни кўриш мумкин бўлса, Су чойхоналарида чойхўрлар атроф манзарасини томоша қилишган. Бундай чойхоналар Сучжой вилоятида кенг тарқалган. Юе номли чойхоналар одатда ҳозирги ресторанлар мақомида бўлган, улар Тан ва Сун даврларида ишбилармонларнинг учрашиб суҳбат қурадиган жойларига айланган. Чуан туридаги чойхоналар эса кўпроқ турли ўйинлар ўйналадиган жой бўлиб, оддий халқ кўпроқ уларга кирган. Кўриб турганимиздек, Хитойда чой билан боғлиқ бўлган бутун бир маданият мавжуд бўлиб, у ушбу мамлакат халқи анъана ва қадриятларини тушунишга ёрдам беради.

**Акром КАРИМОВ,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти хитой филологияси кафедраси мудири, доцент**

*Депутат минбари*

# ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик жараёнларнинг тадрижий равишда чуқурлашиб бораётганлигидан дарак беради. Миллатимизга хос босиқлик ва вазминлик билан олға бораверсак, жамиятни ларзага солиши мумкин бўлган адашишлар бўлмайди, кескинликни келтириб чиқаришга замин яратувчи бузғунчи фикр-ғоялар туғилмайди. Тўғри, сиёсий партиялар сайловлар пайтида озгина **«жонланиб»,** сайловлар оралиғида эса сустлашиб қолмоқда. Бу борада Олий Мажлис IX сессиясидаги Юртбошимизнинг сиёсий партияларнинг мўртлиги ва заифлиги тўғрисида айтган фикрлари, ўйлаймизки, ҳаммамизнинг ёдимизда бўлса керак. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жамият эркинлашуви ва демократлашувининг ҳозирги босқичи талабларига жавоб беради ҳамда ҳаётимизда сиёсий партиялар роли ошиши кераклигидан далолат беради. Қонунда партияларни молиялаштириш манбаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Партияларга молиявий кўмак беришни бир неча усулда ташкил этиш мумкинлигининг қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши, бу борада барча имкониятдан кенг фойдаланишга рухсат этилишининг ўзи сиёсий партияларни янада фаолроқ ҳаракат қилишга, халқнинг ичига киришга ундайди.

Албатта, партияларнинг ўз йўли, ғояси бўлиши керак. Бу ғоялар бир-бирига ўхшамаслиги, лекин охир-оқибат мамлакат ривожига, халқ фаровонлигига хизмат қилиши шарт. Сиёсий партиялар ҳукуматга ўзларининг мамлакатни ривожлантириш дастурларини тақдим этиши, бунда барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни кўтариб чиқиши, ушбу масалаларда мониторингни йўлга қўйиши, ҳукуматга олиб чиқилган таклифларнинг амалга оширилишини талаб қилиш билан жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши, халқнинг эътиборида бўлиши керак. Мана шу ерда ҳар бир партиянинг сиёсий платформаси, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«халқнинг бирлиги ва якдиллиги»**га асосланган ҳамда **«миллий ғурур»**га ҳамоҳанг бўлиб, **«биз киммиз»**, деган шиор билан суғорилиши мақсад-муддаолар муштараклигини таъминлайди. Партияларнинг мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурлари ранг-баранглиги фуқароларда уларни қиёслаш, танлаш имкониятини яратади. Бу эса мамлакатимиз фуқароларини эртанги кунга бефарқ бўлмасликка ундайди. Маълумки, фуқароси бефарқ бўлмаган жамият ривожланиш сари юз тутади. Мамлакатимиз келажаги табиийки, ҳамжиҳатлик ва якдилликда. Ўзининг фуқаролари, фарзандлари, эртанги наслини ҳар жиҳатдан озод ва обод кўрмоқчи бўлган она-Ватанимиз олдида доимо қарздорлик туйғуси билан меҳнат қилишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фуқароларимизга қилган Мурожаатномасида ҳам ҳамжиҳатлик, якдиллик ва ҳушёрликка чақириқ руҳи уфуриб турибди. Биз мураббийларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси фидойиларининг масъуллик ҳиссини янада оширишимиз, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг маънавий ва ҳуқуқий маданияти, сиёсий ҳушёрликларини ўстиришимиз керак. Бунинг учун ҳам фаоллик, жонкуярлик, алоҳида фидойилик талаб этилади. Фуқароларимизнинг китобхонлик, газетхонлик маданиятини кўтариш, барча илм масканларида кутубхоналар ишига энг муҳим масала сифатида қараш, маърифатли инсон, бунёдкор инсон омили учун курашиш олдимиздаги энг долзарб вазифа эканлиги бугун янада аёнлашмоқда. Халқимиз, маҳалла-кўй, талаба-ёшларимизнинг давлатимиз юксак минбаридан билдирилаётган фикрларга, қабул қилинаётган қонунларга бефарқ бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Президентимиз маърузаларида айтган фикрлари, чақириқ ҳамда даъватлари эса биз депутатлар зиммасига янада улкан масъулият юклайди. **«Сиз, азиз депутатларни ўзимнинг ҳамфикр, яқин елкадошларим, деб билиб барчангизни эл-юртимизни бало-қазолардан асрашда, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда янада жипслашишга, бу йўлда қатъият ва фидойилик кўрсатишга даъват этаман».**

Назаримда, жамиятимиз ҳам бугун соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга, ҳар соҳада ислоҳотларни оғишмасдан юзага чиқаришга ва шу аснода мамлакатимизни нурли келажакка элтишга жиддий киришган. Жамиятимиз ана шу йўналишда узоқ ва давомли сафарга чиққан. Бу йўлдан эса бизни ҳар қандай ғаламис кучлар ўнгу сўлга оғдиролмаслиги тайин. Зеро, бу йўл эзгу мақсадларга тўла ойдин йўл.

**Муродулла НОРМУРОДОВ,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис депутати.**

*Халқ демократик партияси ҳаётидан*

# ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон ХДП Бекобод туман ташкилоти**нинг конференцияси бўлиб ўтди. Унда маъруза қилган туман партия кенгаши биринчи котиби Зулқайнар Қодиров ўтган давр ичида қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Мунозараларда сўзга чиққан Бекобод туман ҳокимининг ўринбосари Б.Абдукаримов, халқ таълими бўлими мудири М.Зокиров ва бошқалар туман партия кенгашининг фаолиятини қониқарли, деб баҳолаб, шу билан бирга унинг ишида мавжуд баъзи камчиликлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов сўзга чиқиб, қатнашчилар эътиборини жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш билан боғлиқ масалаларга қаратди. У ўз сўзида фақат Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда кўпроқ ўрин эгаллагандагина партия давлатнинг қонунчилик ва ижроия органларини шакллантиришга таъсир кўрсата олишини, бу эса, ўз навбатида, партиянинг мақсад-муддаосини рўёбга чиқаришга олиб борувчи ягона қонуний йўл эканлигини таъкидлаб ўтди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот маркази**

# КЕНГАШГАНГА КЕНГ ЙЎЛ

Қари билганни пари билмас, дейди доно халқимиз. Яқинда ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши вилоятдаги партиямиз фахрийлари, юртнинг кўпни кўрган, обрў-эътиборли кишиларини Риштон туманидаги Яйилма оромгоҳига чорлади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раиси, Қўқон ўрмон хўжалиги раҳбари Мансур Хўжаев ташаббуси билан уюштирилган бу учрашув жуда мароқли ўтди. Бир пиёла чой устида партия фахрийлари билан бугунги куннинг долзарб вазифалари, ХДПнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи, мамлакат сиёсий ҳаётида юз беражак улкан ўзгаришлар — икки палатали парламент сайловларига тайёргарлик каби масалалар хусусида кенгашиб олдилар.

Риштонлик партия ва меҳнат фахрийси А.Ҳамроалиев, Марғилон шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси З.Низомиддинов, Фарғона шаҳрида яшовчи фахрий С.Охунова, Қўқон ўрмон хўжалиги раҳбари М.Хўжаев, Риштон тумани ҳокими А.Исоқов ва бошқалар учрашувда сўзга чиқиб, кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашув сўнггида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Алишер ИБОДИНОВ**

# САЙЛОВ — ҲАЛОЛ РАҚОБАТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Наманган филиали «Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг 2004 йил сайлов компаниясидаги тактикаси» мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Унда сиёсий партияларнинг вилоят ва туман кенгашлари котиблари, фаоллари иштирок этдилар.

Семинар-тренинг машғулотларида мамлакатимизда ўтказилажак сайлов кампанияси хусусиятлари, асосий босқичлари, партияларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка номзодларнинг платформаси, сайловолди кампаниясида қўлланиши мумкин бўлган психологик таъсир усуллари ва воситалари хусусида қонуний асосдаги тавсиялар, тажриба ва мулоҳазалар тақдим этилди.

Баҳс-мунозара маданияти даражасига қараб партияларнинг вакиллари холисона ёндашув билан баҳолаб борилди. «Депутатликка номзоднинг платформаси тақдимоти» тренингида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари бир қадар тажрибали эканликларини кўрсатдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**



# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

«Намангантўқимачи» акциядорлик корхонасида бугунги кунда беш минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бориб, биргина жорий йил бошидан буён 10 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 53 фоиз кўп.

— Асосий эътиборни маҳсулот сифатини оширишга қаратяпмиз, — дейди корхона бош иқтисодчиси У.Абдуллаев. — Буюртмачилар ва харидорлар сони кўпайиб, экспорт ҳажми уч баробарга ортди. Туркия, Корея Республикаси, Эрон, Россия ва Қозоғистон сингари мамлакатларга қиймати 1 миллион 800 минг АҚШ долларига тенг турфа матолар экспорт қилдик.



✧✧✧

**Суратларда:** корхонанинг илғор тўқувчиси Назокат Ҳотамова ва иккинчи йигирув цехидан кўриниш.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

*Муносабат*

# ЭЗГУ ИШЛАР ИШОНЧНИ ҚЎЛЛАЙДИ, ИШОНЧСИЗЛИКНИ ҚУВЛАЙДИ

«XXI аср» газетасининг 3 июнь сонида Бахтиёр Ёқубовнинг «Ишончсизлик ва ишонч» деб номланган мақоласи чоп этилди. Уни ўқиб, тўғриси, ҳайратга тушдим. Наҳотки, шу гапларни ҳамюртларимиздан бири айтаётган бўлса?.. Мақола муаллифига бир нечта саволлар пайдо бўлди:

— Мақола муаллифи Халқ демократик партияси қачон, қай ҳолатда ва кимнинг ташаббуси билан ташкил этилганлигини билармикин?

— Мустақилликка эришганимиздан буён фаолият кўрсатиб келаётган Халқ демократик партиясининг Дастурини ўқиганмикин, умуман шундай Дастур борлигидан хабардормикин?

— Ва ниҳоят, бу мақолани ёзишдан мақсад нима? Кимгадир ёқишми ёки Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи қонунларнинг қабул қилинишида қўлларидан келганича ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган сиёсий партиялар ўртасида низо чиқаришми?

Саволларни яна анча давом эттириш мумкин. Лекин, ўйлаймизки, мана шу саволларнинг жавоби ҳам кўп нарсаларга ойдинлик киритади...

Муаллиф «Сиёсий партияларнинг дастури билан танишсангиз, аҳолининг қайси қатлами номидан иш олиб борилаётгани, қайси табақалар манфаати ифодаланаётганини билиш амри маҳол», деб ёзади.

Кейинги вақтларда айрим матбуот нашрларида партияларнинг дастурлари бир-бирларига ўхшайди, деган фикрлар, шу жумладан, Ўзбекистон ХДПнинг асосий сиёсий ҳужжатига нисбатан ҳам кўп маротаба билдирилди. Қизиғи шундаки, бундай чиқишларда, негадир янги ташкил топган сиёсий партияларнинг дастурлари Ўзбекистон ХДП Дастури билан солиштирилмайди, ким кимнинг ортидан борганлиги аниқланмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон ХДПнинг 1991 йилда қабул қилинган Дастури мамлакат ижтимоий-сиёсий ривожланишининг барча соҳаларини ўз ичига олган кенг қамровли сиёсий-назарий ҳужжатдир. Унда аҳолининг муайян қатламлари ёки гуруҳларининг бир ёқлама манфаатларини ифода этиш ёҳуд ҳимоя қилишдан асар ҳам йўқ. Дастурда ифода этилган ғоялар, қўйилган вазифалар республикамиз барча фуқароларининг, бутун халқимизнинг умумий манфаатларини таъминлашга қаратилган. Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад-муддаоси озодлик, миллий мустақиллик, ислоҳотчилик, янгиланиш, демократия ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик, барқарорлик ҳамда келажакка қатъий ишонч ғоялари билан йўғрилган.

Партия Дастурида мужассамланган ғояларнинг халқчиллиги ва ҳаётийлигини давр тўла исботламоқда.

Мақолада муаллиф: «Масалан, Халқ демократик партиясини олайлик. Аъзолари сонининг кўплигини назарда тутсак, аҳоли қатламлари орасидан кўп тарафдорлар топаётгандек. Аслида-чи? «Карвонбошилик» боиси ХДП тарғиб қилаётган ғояларнинг ўзига жалб қилувчи хусусиятида эмас, балки ворис сифатида унинг эски партиядан мол-мулкка қўшиб барча аъзоларни ҳам «мерос» қилиб олганлигидадир», дея таъкидлайди. Наҳотки, «жаноб тафтишчи» Ўзбекистон мустақилликка эришганига салкам 13 йил бўлганлигини, Халқ демократик партияси эса мустақиллик тенгдоши эканлигини ва ўтган давр табиийки, партия аъзолари таркиби тўлиқ ўзгариши учун етарли вақт эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлса. Мақола муаллифи ХДПнинг бугунги кунда 580 мингдан зиёд аъзосига нисбатан: «коммунистик ғоя атрофига «жипслашган» бу аъзолар худди шундай «аҳиллик билан» халқ демократияси ғоясини ҳам сингдириб юборгани кишини ажаблантиради. Аслида эса партия аъзоларининг аксарияти унинг ғоясига ҳам, олиб бораётган сиёсатига ҳам бефарқлиги, партия ҳаётидан узилиб қолгани кўзга ташланади», деб ёзиши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган партия аъзоларининг иззат-нафсига тегиши мумкинлиги тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмаган шекилли.

Собиқ коммунистлардан бир қисмининг ХДП сафларига кириши масаласига келсак, биринчидан, Ўзкомпартия аъзолари автоматик тарзда янги партия аъзоларига айландилар, деган фикр мутлақо хато. Чунки, Ўзбекистон ХДП сафларига аъзолар якка тартибда, фуқароларнинг ўз хоҳишлари билан берган аризаларига мувофиқ қабул қилинди ва бу қоида ҳозир ҳам амалда. Иккинчидан, 700 минг кишига яқин собиқ Ўзкомпартия аъзоларидан бор-йўғи 220 минг нафарга яқини ўз хоҳиши билан янги партияга аъзо бўлиш истагини билдирди. Лекин, 1992 йил давомида партия билетлари топширилиши жараёнида улардан 100 мингга яқини янги партия — ХДПнинг эски партиядан бутунлай фарқ қилишини тушуниб, билетларни олишдан бош тортдилар. Партияга ҳар йили минглаб янги аъзо қўшилаётганлиги ҳисобига унинг сафи бугун шунчалик кенг.

Мақолада Ўзбекистон ХДП собиқ компартиянинг вориси, дея урғу берилади. Аслида ҳам шундайми?

Ўзбекистон ХДПнинг I (Таъсис) қурултойида тузилаётган партия «...собиқ Компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир», деб таъкидланди.

ХДП Ўзкомпартиянинг мол-мулкини «мерос» қилиб олди» деган иддаога ҳам ойдинлик киритиш зарурга ўхшайди.

Партия ўз тасарруфига ўтган мулкнинг аксариятини ихтиёрий тарзда давлат ҳисобига ўтказди.

Мақолада мамлакатимизда мавжуд бўлган тўртта сиёсий партия фаолияти мутлақо инкор этилиб, яқиндагина ташкил этилган, ҳали бирон-бир амалий иш билан танилишга улгурмаган либерал партияни кўкларга кўтаради.

Бу башорат не чоғли ижобат бўлади, буни вақт кўрсатади. ХДП аъзоларининг на «Фидокорлар», на «Адолат», на «Миллий тикланиш» демократик партиясига ва на ЎзЛиДеПга ғаразлари бор. Уларнинг қай бири халқимиз фаровонлиги учун кўпроқ ҳисса қўшса ва хизмат қилса, биз уни олқишлаймиз.

Ушбу мақолага муносабатимизни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан олинган иқтибос билан тугаллашни лозим топдик:

«Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири сифатида, алоҳида мақом ёки сўзсиз биринчиликка даъвогарлик қилмайди. У ўз фаолиятини мамлакатнинг амалдаги қонунлари доирасида, жаҳондаги бу соҳага оид илғор тажрибалардан фойдаланиб, умум эътироф қилинган демократик меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширади».

Яна бир гап: жаноб Б.Ёқубов, ХДП устидан ҳукм чиқаришга шошилманг. Қолаверса, бундай ҳукмни чиқаришга сизнинг маънавий ҳаққингиз, ҳуқуқингиз, ваколатингиз борми?

Партиялар ўртасида рақобат, баҳс-мунозара бўлиши зарур, албатта. Аммо, кураш ҳалол ва адолатли бўлса, у эзгуликка хизмат қилади.

**Маҳмуд ТОИРОВ,**
**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби**

# ЭРТАГА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

## УНДА ШҲТга АЪЗО ХИТОЙ, РОССИЯ, ҚОЗОҒИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ. АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ МАЪМУРИЯТИ РАҲБАРИ ВА МЎҒУЛИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭСА КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА ҚАТНАШАДИЛАР.

Дунёни тафаккур бошқаради. Ва шунинг учун ҳам ақлидрок, фикрлар маҳсули ўлароқ дунё глобаллашиб бормоқда. Буни нимада кўриш мумкин? Аввало инсоният олдида кўндаланг турган экологик, сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий муаммолар таг-замини глобаллик, яъни дунёвий, халқаро мезонларни касб этаётганида кўриш мумкин. Демак, буларнинг ечими бир давлат зиммасида эмас, балки бир неча давлатлар бирлашувини тақозо этмоқда.

Аслида давлатларнинг интеграцияга бўлган эҳтиёжи XX асрнинг иккинчи ярмидан яққол кўзга ташлана бошлади. Ва шунинг учун ҳам мамлакатлар халқаро мақомдаги дунёвий ташкилотлар тузиб, улар атрофига жипслашиб, муштарак мақсадлар сари биргаликда фаолият бошладилар. Бу жараён XXI аср бошларида янада мукаммаликка томон йўналиш олди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан шундай мазмун-моҳиятни ўзида мужассам этган йирик дунёвий ташкилотдир.

Тўғри, бу ташкилотни унга аъзо давлатлар нисбатига кўра йирик, деб аташ бир ҳисобдан ноўриндек кўринади. (Ҳозирча унга Хитой, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари аъзо. Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Моноголия, Шри-Ланка, АҚШ, Япония, АСЕАН ва ЕИга аъзо давлатлар ҳам бу ташкилотга қизиқиш билан қарамоқда). Бироқ ташкилотнинг нуфузи унга аъзо давлатлар нисбати билан эмас, балки амалий ишлар қамрови ва нечоғли умумбашарийлигига, шунингдек, ташкилотдан манфаатдор аҳоли сонига қараб белгиланади. Негаки, барча амалга оширилаётган ишлар замирида энг биринчи галда инсон омили ётади. Демак, шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ШҲТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи сингари халқаро нуфузли ташкилотлардан қолишмаслиги лозим. БМТга-ку юздан ортиқ давлат аъзо, ЕХҲТ эса 55 та давлатни бирлаштирган. Демак, буларнинг нуфузи ҳам ўзига яраша салоҳиятга эга. Европа Иттифоқи 25 та мамлакатни бирлаштиргани ҳолда ҳудуди 4 миллион квадрат километрни ташкил этади, аҳолиси эса 455 миллион киши, яъни Ер юзи аҳолисининг 7,3 фоизи шу ташкилот атрофида жипслашган.

Энди ШҲТни айнан шу мезонлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, унинг ҳудуди 34 млн. 179 минг 800 квадрат километрни ташкил этади, аҳолиси эса 1 млрд. 498 миллион 262 минг 987 нафарнинг нари-берисида. Ҳудуди жиҳатидан энг йирик давлат — Россия ва аҳолиси жиҳатидан Ер юзида биринчи ўринда турувчи Хитой ҳам айнан шу ташкилот аъзоси.

Демак, Ер юзи аҳолиси 6 миллиард кишидан ортиқлигини инобатга оладиган бўлсак, ШҲТга бирлашган кишилар эса салкам 25 фоизга (сайёрамиз аҳолисига нисбатан) бориб қолади. Яъни Ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этади. Бундан шу нарса аёнлашадики, ташкилот зиммасидаги вазифалар нақадар улкан ва масъулиятли.

Қуйида ШҲТ ва унга аъзо давлатларга доир айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

## ЭСЛАТМА:

**ШҲТга аъзо давлатлар 2020 йилга бориб ушбу ҳудудда эркин савдо зонасини ташкил этишни кўзда тутишган.**

✧✧✧

Ўтган йил 23 сентябрда ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари томонидан Пекинда қабул қилинган савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг яқин 20 йиллик дастурини амалга ошириш борасида Тошкент саммити биринчи қадамларни бошлаб беради.

✧✧✧

**Ташкилотнинг 2004 йилги ички лойиҳалари учун бюджети 3,8 миллион долларлик ҳажмда белгиланган. Ташкилотга аъзо 6 та давлатнинг бюджетдаги улуши ҳар бир давлатнинг ишлаб чиқарган ялпи ички маҳсулоти ва олтин-валюта захирасига кўра тақсимланган. Жумладан, Россия ва Хитойнинг улуши — 24 фоиздан, Қозоғистон — 21 фоиз, Ўзбекистон — 15 фоиз, Қирғизистон — 9 фоиз, Тожикистонники эса 6 фоиз.**

### ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛИШГА ШАЙ



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## ШҲТ ТАРИХИДАН

- **1996 йил 25 апрель.**
  Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари Шанхайда учрашиб, чегара ҳудудларида ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлашга доир шартнома имзоладилар. Ва бу учрашув «Шанхай бешлиги»га асос солди.
- **1997 йил 24 апрель.**
  Ташкилотга аъзо давлатларнинг Москва саммити бўлиб ўтди. Унда «Чегара ҳудудларида ҳарбий кучларни қисқартириш тўғрисида» имзоланган битим бир йил аввал қабул қилинган шартномага янада тўкислик бахш этди.
- **1998 йил 3 июль.**
  Алмати учрашувида ташкилот нафақат хавфсизлик соҳасида, балки иқтисодий соҳада ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиши лозимлигига урғу берилди. Учрашув сўнгида ташкилотга аъзо беш давлат ташқи ишлар вазирлари «Алмати декларацияси»ни имзоладилар.
- **1999 йил август.**
  Бишкек учрашуви ўтказилди. Аъзо давлатларнинг уч йиллик ҳамкорлиги сарҳисоб қилинди. Истиқболдаги вазифалар белгиланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари, иқтисодий экспертлар ишчи гуруҳи учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш борасида келишиб олдилар.
- **2000 йил 4 июль.**
  «Шанхай бешлиги» доирасида Душанбе шаҳрида аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон ҳам кузатувчи сифатида қатнашди.
- **2001 йил 14-15 июль.**
  Ташкилотнинг Шанхай учрашувига халқаро майдонларда глобал муаммоларни бартараф этиш ташаббуси билан чиққан ва дунё аҳлини терроризмга қарши курашга биринчилардан бўлиб чорлаган Ўзбекистон Президенти И.Каримов ҳам таклиф этилди. Мазкур саммитда ташкилот номи ва мақоми ўзгартирилди. Яъни қабул қилинган Декларацияга биноан ташкилот номи «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти» дея ўзгартирилди. Мақсад-муддао давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлашдан иборат қилиб белгиланди.
- **2002 йил 7 июнь.**
  Санкт-Петербург шаҳрида ШҲТнинг иккинчи саммити бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда йўналишлари аниқ белгиланган, шунингдек, ташкилотнинг таркиби, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш тартиблари мужассамланган Хартияси қабул қилинди.
  Бундан ташқари, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш, турли таҳдид ва даъватларга коллектив қарши туриш ҳуқуқига асосланган Конвенция имзоланди.
  Доимий фаолият юритувчи Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини тузиш ва унинг штаб-квартирасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинди.
- **2003 йил 28-29 май.**
  ШҲТнинг Москва Кремлида ўтган ушбу учинчи саммитида ташкилот тузилмасининг ташкилий ишлари поёнига етказилганлиги эълон қилинди. Унда ШҲТ Низомида кўрсатилган органлар иш тартибини белгиловчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, ташкилот тимсоллари — эмблема ва байроғи қабул қилинди. Ташкилотнинг Ижроия котибиятини тузиш ва уни Пекинда жойлаштиришга келишиб олинди. Аъзо давлатлар бошлиқлари Котибиятга ижрочи котиб этиб Хитой Халқ Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Чжан Дэгуанни сайладилар.
  ШҲТ бюджетини тузиш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳақида Битим имзоланди, саммит якуни бўйича сиёсий декларация қабул қилинди.
- **2004 йил 16-17 июнь.**
  Ташкилотнинг Тошкент саммитида келажакдаги фаолият йўналиши, ҳудудий ва халқаро масалалардаги позицияси белгилаб олинади. Ташқи сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт ва ижтимоий соҳалар бўйича «Тошкент декларацияси»ни имзолайдилар. «ШҲТ кузатувчилари ҳақида Низом» қабул қилинади.
  Шу йил сентябрда эса ташкилотга аъзо 6 та давлат ҳукуматлари бошлиқлари учрашиб, иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини муҳокама этадилар ва ўзаро келишиб оладилар.

**Материалларни Алимқул СУЛТОНОВ ва Алишер РЎЗИЕВлар тайёрлашди.**

## Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳақида қисқача маълумот:

### РОССИЯ



**Ҳудуди:** 17 миллион 75 минг 200 кв.км. (Ер куррасининг энг йирик давлатларидан бири).

**Географик ўрни:** Шарқий Европа ва Осиё ҳудудида жойлашган.

**Чегараси:** шимолдан жанубга томон 400 км., ғарбдан шарққа томон деярли 10 минг км.га чўзилган бўлиб, жануби-шарқда — Шимолий Корея, жанубда — Хитой, Мўғулистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Грузия, жануби-ғарбда — Украина, ғарбда — Белорусия, Латвия, Эстония, Финляндия, Норвегия, Калининград вилояти эса Литва ва Польша билан чегарадош. Шимол қисми Шимолий муз океанининг бир неча сув ҳавзалари — Баренц, Карск, Лаптевлар, Шарқий Сибир, Чукотка денгизлари, шарқда — Беринг қўлтиғи, Беринг, Охота, Япон денгизлари, жанубда — Қора денгиз, ғарбда Финляндия кўрфази, Болтиқ денгизи билан чегараланади.

Россияга қарашли бир неча ороллар мавжуд: Шимолий муз океанида — Франц Иосиф ери (деярли 100 оролдан иборат архипелаг), Янги Ер, Вайгач, Шимолий Ер, Янги Сибир, Врангел ороллари, Тинч океанида — Камчаткадан Япония ва Сахалингача чўзилган Курил ороллари.

**Аҳолиси** — 2002 йил октябрдаги маълумотларга қараганда, 145,2 млн. киши (1989 йил кўрсаткичларига қараганда 1,8 млн. кишига камайган).

**Пул бирлиги:** рубль.

### ХИТОЙ



**Ҳудуди:** 9 млн. 571 минг 300 кв.км. (ҳудуди жиҳатидан Россия ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради).

**Географик ўрни:** Шарқий Осиёда.

**Чегараси:** Хитой денгиз сатҳидан ўртача 4510 метр баландликда жойлашган бўлиб, шимолда — Мўғулистон ва Россия, шимоли-шарқда — Россия ва КХДР, жанубда — Вьетнам, Бирма (Мьянма), Лаос, Ҳиндистон, Бутан, Непал, ғарбда — Покистон, Афғонистон, Тожикистон, шимоли-ғарбда — Қирғизистон ва Қозоғистон билан чегарадош. Шарқда — Сариқ денгиз ва Шарқий Хитой денгизи, жанубда — Жанубий Хитой денгизи унинг қирғоқларини «ювиб» туради. Жанубда — Химолай, ғарбда — Помир ва Каракорум, шимолда — Кунлун тоғлари билан чегараланган. Умуман, Хитой майдонининг 43 фоизини баланд тоғлар, 26 фозини ясси тоғликлар, 19 фоизга яқинини турли-туман тепаликлар ташкил этади. Атиги 12 фоизигина текисликдан иборат.

**Аҳолиси:** сайёрамизда энг кўп одам шу ерда яшайди. 1 млрд. 300 млн. киши.

**Этник гуруҳланиш:** 92 фоиз аҳоли хитойлар, қолгани монголлар, корейслар, манчжурлар, уйғурлар, мяолар, тибетлар ва бошқа этник гуруҳлар ташкил этади.

**Тили:** Ханци (давлат тили).

**Пул бирлиги:** юан.

### ҚОЗОҒИСТОН



**Ҳудуди:** 2717300 кв.км..

**Географик ўрни:** Евро-Осиёнинг марказида жойлашган.

**Чегараси:** Хитой билан 1533 км., Қирғизистон билан 1051 км., Россия билан 6846 км., Туркманистон билан 379 км., Ўзбекистон билан 2203 км. масофада чегарадош.

**Аҳолиси:** 2001 йилги ҳисоб-китоблар бўйича 16731303 киши. Унинг 58 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади.

**Давлат тили:** қозоқ.

**Этник гуруҳланиш:** қозоқлар — 53,4 фоиз, руслар — 30 фоиз, украинлар — 3,7 фоиз, ўзбеклар — 2,5 фоиз, немислар — 2,4 фоиз, уйғурлар — 1,4 фоиз ва бошқа миллат вакиллари — 6,6 фоиз.

**Иқлими:** континентал (денгиздан йироқ бўлгани учун ёзи қуруқ, иссиқ, қиши эса совуқ иқлим).

**Табиий бойликлари:** йирик нефть, табиий газ, кўмир, темир рудаси, марганец, хром, никел, кобальт, мис, қўрғошин, молибден, руҳ, биокситлар, олтин, уран заҳираларига эга.

**Қонунчилик органи:** икки палатали парламент. Сенат ва Мажлисдан иборат (47 сенаторнинг 7 нафари Президент томонидан тайинланади).

**Экспорт-импорт бўйича ҳамкорлари:** ЕИ, Хитой, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Туркия, Буюк Британия, Германия, Украина, Жанубий Корея.

**Пул бирлиги:** тенге.

### ЎЗБЕКИСТОН



**Ҳудуди:** 447400 кв.км.

**Географик ўрни:** Марказий Осиёда. Ҳудудининг қарийб бешдан тўрт қисми текисликлардан иборат. Мамлакат шарқи ва шимоли-шарқий қисмида Тянь-Шань ва Помир тизмалари жойлашган. Республика шимолини жаҳоннинг энг йирик саҳроларидан бири — Қизилқум эгаллаган.

**Маъмурий бўлиниши:** 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси.

**Чегараси:** шимол ва ғарбда Қозоғистон, шарқда Қирғизистон, жануби-шарқда Тожикистон, жанубда Афғонистон ва Туркманистон билан чегараланади.

**Аҳолиси:** 25 млн. киши.

**Этник гуруҳланиш:** ўзбеклар — 71 фоиз, руслар — 8 фоиз, тожиклар — 5 фоиз, қозоқлар — 4 фоиз, шунингдек, татарлар, қорақалпоқлар, корейслар, қирғизлар, украинлар, туркманлар, турклар бор.

**Энг йирик шаҳарлари:** Тошкент (пойтахт), Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро.

**Давлат тили:** ўзбек.

**Пул бирлиги:** сўм.

**Ўртача умр кўриш:** эркакларда 64 ёш, аёлларда 70 ёш.

**Туғилиш даражаси:** мингтага 34 та.

**Иқлими:** чўл-континентал. Йил фаслларига қараб ҳарорат тафовут қилади.

### ҚИРҒИЗИСТОН



**Ҳудуди:** 198500 кв.км.

**Географик ўрни:** Марказий Осиёда.

**Чегараси:** шимолда — Қозоғистон, шарқда — Хитой, жанубда — Хитой ва Тожикистон, ғарбда — Ўзбекистон билан чегарадош.

**Қонунчилик органи:** икки палатали Жўқорғи Кенгеш Халқ вакиллари йиғини (70 та ўрин, 5 йилга сайланади) ва Қонунчилик мажлиси (35 та ўрин, 5 йилга сайланади)дан иборат.

**Аҳолиси:** 2001 йилги маълумотларга кўра, 4753003 киши.

**Этник гуруҳланиш:** қирғизлар — 52 фоиз, руслар — 22 фоиз, ўзбеклар — 13 фоиз, шунингдек, украинлар, немислар, татарлар бор.

**Пойтахти:** Бишкек.

**Давлат тили:** қирғиз

**Пул бирлиги:** сом.

**Иш билан бандлик:** республика 1,7 млн. ишчи кучига эга. Шундан 55 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 15 фоизи саноат, 30 фоизи маиший хизматда банд.

**Ишсизлик:** 1998 йилги кўрсаткич бўйича 6 фоиз.

**Экспорт:** пахта, жун, гўшт, тамаки, олтин, симоб, уран, электр энергияси, пойабзал. Экспорт ҳамкорлари — Германия, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Хитой.

**Импорт:** нефть, газ, машина ва ускуналар, озиқ-овқат.

### ТОЖИКИСТОН



**Ҳудуди:** 143100 кв.км.

**Географик ўрни:** Марказий Осиёда. Тожикистон тоғли мамлакат бўлиб, ҳудудининг 93 фоизи тоғлардан иборат. Республика майдонининг ярмидан кўпи 3000 метр баландликда жойлашган. Мамлакатнинг шарқий қисмини Помир тоғлари ва Помир платосининг катта қисми, шимоли-шарқини Коммунизм чўққиси (7498 метр) эгаллаган.

**Қонунчилик органи:** икки палатали Олий Мажлис.

**Аҳолиси:** 2001 йилги маълумотларда қайд этилишича, 6578681 киши.

**Этник гуруҳланиш:** тожиклар — 58 фоиз, ўзбеклар — 23 фоиз, руслар — 8 фоиз, шунингдек, қирғиз, украин, немис, корейс, туркман ва бошқа миллатларга мансуб халқ вакиллари бор.

**Пойтахти:** Душанбе.

**Иш билан бандлик:** 2 млн.дан ортиқ ишчи кучи бўлиб, 50 фоизи қишлоқ хўжалигида, 20 фоизи саноатда, 30 фоизи маиший хизматда банд.

**Ишсизлик:** 5,7 фоиз.

**Экспорт:** алюминий, электр энергияси, пахта, мева, ўсимлик ёғи, газлама. Экспорт ҳамкорлари — Ўзбекистон, Лихтенштейн, Россия.

**Импорт:** электр энергияси, нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, озиқ-овқат. Импортдаги ҳамкорлари — Европа, Ўзбекистон, Россия.

## САДДАМГА ҚАРШИ ЯНА БИР ДАЪВО

Баҳрайн парламенти мамлакат ҳукуматининг Ироқ собиқ диктатори Саддам Ҳусайнга қарши судга даъво аризаси киритиш таклифига рози бўлди. 1991 йили Ироқда 10 нафар Баҳрайн фуқаросининг ўлдирилиши бу даъвога сабаб бўлмоқда, дейилади Қувайтда чоп этиладиган «Ар-Рай Ал-Амм» газетаси хабарида.

Баҳрайн судга даъво аризаси киритишдан олдин Саддам Ҳусайнга қарши даъво қилаётган Эрон ва Қувайт давлатлари билан маслаҳатлашиб олмоқчи.

## ТИББИЁТЧИЛАР ИШ ТАШЛАДИЛАР

Корея Республикасининг тиббиётчилар касаба уюшмалари федерацияси Сеулда 10 минг кишилик норозилик намойиши уюштирди. Улар иш шароитининг яхшиланишини ҳамда ҳафтада 5 иш куни жорий этилишини талаб қилмоқдалар, дея хабар беради Reuters агентлиги.

XORIJDA

## БЕВАТАНЛИК ҚИСМАТИ

### ЁКИ ДУНЁНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИДАН БИРИ ҚОЧҚИНЛИК ТЎҒРИСИДА

Сўнгги пайтларда турли табиий офатлар, экологик вазиятнинг кескинлашуви ҳамда айрим минтақаларда уруш ҳаракатларининг тобора авж олиши дунё ҳамжамияти олдига қочқинлар муаммосини кўндаланг қўймоқда. Эндиликда ушбу муаммо фақат биргина давлатнинг куч-қудрати билан эмас, балки йирик минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг кўмагисиз ҳал этилмайдиган бўлиб қолди. Кейинги йилларда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан 20 миллиондан ортиқ одамга халқаро муҳофаза ва ёрдам кўрсатилган.

Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенцияда (1951) қочоқликнинг кўринишлари ва улар ҳақидаги ҳуқуқий меъёрлар белгилаб берилган. Унга кўра, одамларнинг бир ва ундан ортиқ асосий ҳуқуқлари бузилса, улар қочоққа айланадилар. Кўпчилик уруш ёки сиёсий, диний ёки бошқа таъқиблар қурбонига айланади. Қочқинлик ва ўзга мамлакатлардан бошпана қидириш пайтидаги алғов-далғовларда муҳожирларнинг кўпчилиги барча ҳуқуқ ва мулкларидан: уйлари, шахсий буюмлари, мактаблари, соғлиқни сақлаш хизматлари, оила аъзолари, баъзан ҳатто ўз шахсиятларидан ҳам жудо бўлади. Кейинги пайтларда, айниқса хотин-қизлар, болалар ва кексалардан иборат қочоқлар қатламининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Охирги ўн йилликда баъзи можаролар кўламининг кенгайиб кетиши оқибатида қочоқлик ҳам глобал муаммога айланиб бормоқда. Айрим минтақалар фуқаролари асосан ички можаролар туфайли ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлишаётир. Хусусан, Косово, Шарқий Тимор, Серра-Леоне ва Африкадаги воқеалардан кўриниб турибдики, баъзан можароларнинг туб сабаблари этник гуруҳлар, турли ижтимоий қатламларнинг истаклари ҳамда ҳуқуқлари етарли даражада тан олинмаганлигидан келиб чиқмоқда. Бу, айниқса, илгари мухторият бўлган ўлкаларда сепаратистик талабларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Натижада миллатчилик, этноцентризм кучаяди.

XX асрнинг охирги ўн йиллигида бошқа йирик сиёсий воқеалар қатори қочоқлар масаласини ҳал этишда ижобий ўзгаришларга ҳам эришилди. Масалан, 1991 йили БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси БМТнинг собиқ Югославиядаги етакчи инсонпарварлик ташкилоти этиб тайинланганди. Бу ташкилот бутун можаро давомида қарийб 3,5 миллион қочоққа ёрдам берди. 1997 йилнинг охирига келиб 4 млн.га яқин афғон қочоқлари ўз уйларига қайтарилди. 1994 ва 1996 йиллардаги фожиали воқеалардан кейин Руандага 2 млн.га яқин, Ироққа 1,5 млн. киши қайтган.

Ҳозирда қочоқларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида ҳукуматлараро келишувлар мавжуд бўлиб, ҳар бир қочоқ хавфсиз бошпана топиш ҳуқуқига эга. Бироқ халқаро ҳимоя фақатгина жисмоний хавфсизлик дегани эмас. Қочоқ фикрини эркин ифода этиш ва эркин ҳаракатланиш, шунингдек, қийноқ, таҳқирловчи муомалалардан холи, камида ҳар бир чет эллик қонуний мустақил шахсга хос ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Қочоқлар бошқа шахслар каби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар: жумладан, таълим олиш, тиббий хизмат ва ишлаш ҳуқуқига эга бўлишлари шарт.

Айтиш жоизки, қочоқлар муаммоси — уларни ватанларига қайтариш, бошпана берган мамлакатда интеграциялаш ёки учинчи бир мамлакатга кўчириш йўллари билан ҳал этилиши мумкин. Қочоқлар муаммоси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг эндиги асосий вазифаси фақат уларга ёрдам беришдангина иборат бўлиб қолмай, балки қочоқликнинг олдини олиш эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Абдуманноб АКБАРОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистри**

**Мавзуга қайтиб**

# ҚАДАМЖО ОБОД БЎЛАДИМИ?

## ЁКИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ, МАСЖИД ВА МАДРАСАСИ ҲАҚИДА

Газетамизнинг 2003 йил 25 декабрь сонида «Ҳазора қадамжоси» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда улуғ аждодларимиз мангу ором топган қадамжоларни таъмирлаб обод қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида сўз юритилганди.

Тарихга ҳурмат, улуғларимиз хотирасига эҳтиром, ўтмиш меросимизга бўлган маънавий эҳтиёж — бу йўлдаги изланишларимизнинг бош омили бўлмоғи зарур. Дарҳақиқат, ушбу амалларни давом эттириш, хайрли тадбирларнинг мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйдириши ҳамда юртдошларимизни ҳам бунга жалб этиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Юқорида тилга олинган мақолада Навоийда бу борада қилинаётган ишларга тўхталиб, ютуқлар қаторида баъзан камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани ҳақида мулоҳаза юритилган эди. Хусусан, қадимда бу ҳудудда яшаб ўтган Мавлоно Ориф Деггаронийнинг номини абадийлаштириш, у киши тўғрисидаги тарихий маълумотларга ойдинлик киритиш ва кенг жамоатчиликка маълум қилишда негадир эътиборсизлик қилинаётганлиги кўрсатиб ўтилганди. Орадан шунча вақт ўтди. Лекин нима учундир бу борадаги ишлар суст. Навоий туман Ҳазора қишлоғида жойлашган Деггароний хонақоҳида аҳвол ўзгармаяпти. Шу боис биз яна ушбу мавзуга қайтишга жазм қилдик.

Олдинги мақолада Мавлоно Орифнинг ҳаёт йўли, у яшаган давр, устози Саййид Амир Кулолнинг унга кўрсатган эътибори ҳақида ҳикоя қилинган эди. Шунингдек, у тўғрисидаги айрим ривоятлар ҳам келтирилганди. Бу гал ҳазратнинг қандай таълим-тарбия олганлиги, унинг буюк ислом пешвоси мақомига кўтарилишида кимлар ҳисса қўшгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Дарвоқе, тахминларга кўра 1312-13 йилларда туғилган Мавлоно Ориф падари бузруквори Хожа Аҳмад Мисгар қистови билан жуда эрта илм олишга киришади ҳамда Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотини беш ёшиданоқ ўргана бошлайди. Етти-саккиз ёш тўлганида Баҳоуддин Қишлоқий, кейинчалик Саййид Амир Кулолдан тарбия олади. Али Сафийнинг «Рашаҳот», Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти шоҳи Нақшбанд», Жомийнинг «Нафаҳотул унс», Хожа Аҳрор Валийнинг «Рисолаи волидия», Садриддин Салим Бухорийнинг «Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний» китобларидаги маълумотларда Мавлоно Орифнинг 63 йил умр кўргани келтирилади (тахминан 1375 йилда вафот этган). Ул зот ўлими олдидан ҳузурига Баҳоуддин Нақшбандни чорлаб: «Қозонларни ўз қўлингиз билан ювиб, остига ўт қалаб, илиқ сув ҳозирланг. Ҳамда менинг танимни ўзингиз поклаб, ўзингиз кафанлаб, чалқанча қўйинг», — дея васият қилади. Бундан кўринадики, Мавлоно Ориф Баҳоуддин Нақшбандга устоз сифатида жуда яқин бўлган.

Муҳаммад Боқирнинг «Баҳоуддин Балогардон» асарида ёзилишича, валийлар тил билан эмас, аксинча дил ила, кўнгилдан ўтказиш билан бир-бирини чақиришган. Ривоят қилишларича, Хожа Орифон масжидига бир киши қурбонлик учун қўй етаклаб келади. Шунда Саййид Амир Кулол Нақшбандга қарата: «Қани энди ҳозир Мавлоно Ориф бўлса, у гўштни пишириб, таом тайёрлаган бўлардилар», — дейди. Баҳоуддин масжид бурчагига бориб, товуш чиқариб уч бор Мавлоно Орифни чақиради. Кўп ўтмай масжидда Деггароний ҳозир бўлиб, «Нега мени уч марта чақирдингиз, нима мени элга ошкор этмоқчимисиз?» — дейди. Бундан кўринадики, авлиё ўзини йўқлашганини руҳан сезган.

Нақл қилинишича, Мавлононинг илоҳий бир оқ туяси бўлган экан. Ҳазрат уни миниб бир зумда Каъбатуллоҳга бориб намоз ўқиб келган дейишади. Ҳарҳолда, бу — ривоят. Лекин шундай бўлсада, унинг ҳар хил кароматларга эга зот бўлганлигини айрим тарихий далиллар тасдиқлайди.

Биз ўтган галги мақоламизда Баҳоуддин Нақшбанднинг Мавлоно Ориф Деггаронийдан етти йил тарбия олгани хусусида ёзгандик.

Садриддин Салим Бухорийнинг «Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний» китобида ёзилишича, устозу шогирд Карманада Работи малик, сардоба қурилишларида қатнашган. Ҳазорада қозон ясаб, матога нақш бериб, бўз тўқишган. Хуллас, Бухорои шарифнинг бу пиру бакрлари авлиёлик, кароматгўйлик хислатлари билан бирга, оддий ҳунар соҳиблари ҳам бўлганлар. Масалан, Саййид Амир Кулол машҳур кулол бўлса, Нақшбанд матога, нақш ва безак солишда тенгсиз бўлган. Мавлоно Ориф эса қозон ясаш, бўз тўқишда донг таратган.

Мозий талотўпларидан омон қолиб бизгача бу улуғ зотлар ҳақида ривоят ва ҳикоятлар етиб келган, холос. Аммо, улар орасида Мавлоно Ориф Деггароний ҳақидагилари бу авлиёнинг нақадар улуғ салоҳият эгаси бўлганлигини англатади.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида Мавлоно Ориф ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун айрим тарихий манбалар билан танишиб чиқдик. Пирнинг улуғлигини тасдиқловчи далиллар биз юқорида санаб ўтган асарларда бирмунча акс этган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу борада мукаммалликка эришиш эса негадир қийин кечмоқда.

Хўш, ҳазратнинг хонақоҳи ва масжидини таъмирлаб муқаддас гўшага айлантирсак, уни энг аввало ўзимиз, фарзандларимиз, қолаверса юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар учун зиёратгоҳга айлантирсак, аждодларимиз олдидаги қарзни озгина бўлса-да енгиллаштирган бўлар эдик.

Биз бугун ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ғиждувоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанддек буюк аждодларимиз билан қанчалик фахрлансак, салоҳияти жиҳатидан уларга тенг бўлган, ислом дини нуфузини баланд кўтарган бу авлиёнинг хотирасини ҳам юксак даражада қадрлашимиз зарур.

Тўғри, Деггаронийнинг ҳаёти, авлодларга қолдирган тарихий мероси хусусидаги биринчи мақоламиздан сўнг айрим ишлар қилинди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Деггарон масжиди учун маълум миқдорда маблағ ажратилди. Бироқ, бу ҳали етарли эмас. Ушбу хайрли тадбирларни амалга оширишда маҳаллий мутасаддилар, қолаверса, аҳолининг жонбозлиги жуда муҳим.

Мавлоно Ориф Деггароний қадамжоси, масжиду мадрасаси ҳам ободликка юз бурадиган, муқаддас обида сифатида эъзозланадиган фурсат етди, деб ўйлаймиз. Биз тегишли адабиётлар ва замондошларимиз талқинига суяниб, улуғ ўтмишдошимизнинг ҳаёт йўли, хислат ва кароматгўйлиги ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик. Ишонамизки, яқин орада ушбу қадамжо ободонлаштирилади. Чунки аждодлар хотирасини тиклаш йўлида бошланган ҳар қандай эзгу иш, саъй-ҳаракат миллатнинг маънавиятини оширади, бошқаларни ҳам яхшиликка ундайди. Илоҳим, абадият олдидаги хайрли ишларимиз кўпаяверсин!

**Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**
**Ушбу мақолани нашрга тайёрлашда бизга яқиндан кўмак бергани учун Тошкент Ислом университетининг илмий мерос ва диний тадқиқотлар бўйича проректори Абдулазиз МАНСУРОВга миннатдорчилик билдирамиз.**

**Болалар спорти**

# КУЧЛИЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуида бир вақтнинг ўзида ўғил-қизларимизнинг спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда нафақат машғулотлар, балки шаҳар, республика ва халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларни ўтказиш мумкин.

Куни кеча спорт мажмуида таэквондо GTF (Global Taekwondo Federation) бўйича Дилшод Боймуродов хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. «Таэквондочилар гиёҳвандлик ва терроризмга қарши» шиори остида уюштирилган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри, Қашқадарё ҳамда пойтахт вилоятларидан 170 нафарга яқин ёш спортчи иштирок этди.

— Бугун мамлакатимизда ёшлар Шарқ яккакурашларидан бири бўлган таэквондонинг уч йўналиши бўйича шуғулланишяпти, — дейди турнир ташкилотчиларидан бири «Али Акбар» спорт клуби бошлиғи А.Васихов. — Ҳар бир йўналишнинг эса ўз жонкуяр, фидойи ва усталари бор. GTF йўналишининг юртимизда оммавийлашишида устозимиз V ДАН қора белбоғ соҳиби, марҳум Дилшод Боймуродовнинг ҳиссалари катта бўлган. У киши бошлаган хайрли ишни биз давом эттираяпмиз. Келаси ойнинг бошида Россияда болалар ва ўсмирлар ўртасида V жаҳон чемпионати ўтказилади. Якунланган мусобақа эса терма жамоа таркибини аниқлаб олишимизда муҳим аҳамият касб этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Суратда:** мусобақадан лавҳа.
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**



# ЗИДАН ЎЗИНИ КЎРСАТДИ, БЕКХЭМ ЭСА...

Шу кунларда нуфузи ва қизиқарлилиги жиҳатидан иккинчи жаҳон чемпионати деб аталувчи Европа футбол чемпионатида иштирок этаётган 16 жамоанинг ҳар бири миллионлаб мухлислари олдида





синовдан ўтмоқда. Биринчи учрашув чемпионат мезбонлари билан яқин кунларда старт оладиган Олимпия ўйинларини ўтказишга шайланиб турган Греция футболчиларига насиб этди.

Сўзсиз, чемпионат мезбонлари ўзларини кўрсатишлари табиий эди. У ёғини сўрасангиз, Португалия футболчилари ўз майдонларида тўп суришни ўрнига қўйиб, қандай бўлмасин чемпион бўлишни орзу қилишаяпти. Греклар ҳам бўш келадиганлардан эмас. Улар мазкур учрашув олдидан: «Биз ҳеч нарсани йўқотмаймиз», деган фикрни ўртага ташлашган. Порту шаҳридаги 52 минг томошабинга мўлжалланган «Драгау» стадионини тўлдириб ўтирган мухлислар ҳайқириғи остида Португалия — Греция жамоаси майдонга тушди. Биринчи рақамли ҳакам саналувчи италиялик Пьерлуижи Коллина ана шу учрашувга ҳакамлик қилди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, мамлакат телевидениеси жами 31 учрашувнинг ҳар бирини дунёнинг турли бурчакларига сифатли узатиш учун пухта ҳозирлик кўрган. Қуш парвозидаги сингари юксакликка кўтариб қўйилган дерижаблдаги телекамера орқали футбол майдонларидаги воқеаларнинг «майда-чуйда»лари ҳам экранда акс эттирилаётгани кўпчиликда ажиб таассурот қолдирмоқда.

Биринчи учрашувнинг қандай кечгани ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, мухлислар ёки мутахассислар кутганидек анъанага кўра, дуранг натижа қайд этилмади. Учрашувнинг еттинчи дақиқасида Г.Карагунис Европа чемпионатининг дастлабки тўпини дарвозага йўллади. Греклар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи таймда португалияликлар сафларини мустаҳкамлаш мақсадида Кристиан Рональдони майдонга туширишди. Рональдунинг «хизмати» шу бўлдики, рақибини ўз жарима майдонида йиқитгани учун ҳакам 11 метрлик жарима тўпи белгилади. Имкониятдан греклар юз фоиз фойдаланиб, ғалабаларини мустаҳкамлаб олишди — 2:0.

Фақат иккинчи тайм охирларида португалияликлар битта тўп киритиб ҳисобни қисқартиришди, холос. Шундай қилиб чемпионатнинг дастлабки учрашувида мезбонлар имкониятни бой берди — 1:2.

Греция ҳукумати мамлакат терма жамоаси чемпионатнинг ярим финалига чиқса, футболчиларни 2 миллион евро билан мукофотлаши мумкин экан.

Шу куни Россия — Испания учрашуви ҳам ўтказилди. Маълумки, ҳар иккала жамоа ҳам фақат ғалабага шайланган эди. Испанияликлар бош мураббийи Иньяки Саэс: «Россия билан бўладиган биринчи учрашувни бой бермаймиз», деган эди. Русларнинг бош мураббийи Георгий Ярцев ҳам чемпионатга алоҳида ҳозирлик кўргани ҳақида анчадан буён гапираётганди. Биринчи таймда ҳар иккала жамоа ҳам асосий эътиборни ҳужумга қаратган бўлса-да, ҳисоб очилмади. Фақатгина учрашувнинг иккинчи бўлимида майдонга тушган Валерон ягона ҳамда ғалаба тўпини россияликлар дарвозасига киритди. Русларнинг ҳисобни тенглаштириш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди.

Якшанба куни «В» гуруҳида ҳам икки учрашув бўлди. Аввал Швейцария — Хорватия жамоалари ўзаро учрашдилар. Рақиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин, тўп дарвозага киритилмади ва учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди.

Тунда давом этган иккинчи учрашувни мухлислар узоқ эслаб юришлари табиий. Икки кучли жамоа — Франция ҳамда Англия футболчиларининг майдонга тушиши ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Нега десангиз, французлар таркибида Европа футбол тарихида энг яхши деб ҳисобланган Зайниддин Зидан тўп сураётган бўлса, Англия жамоаси сафида машҳур Дэвид Бекхэм бор эди-да. Ўйиннинг биринчи қисми охирида инглизлар ҳисобни очди. Иккинчи таймда французлар дарвозаси томон 11 метрлик жарима тўпи тепиладиган бўлди. Афсуски, Бекхэм имкониятдан фойдалана олмади.



Ўйин охирлаб Англия дастлабки ғалабага эришди, деб турилган пайтда Зиданнинг омади чопди. Ўйин охиридаги қўшимча уч дақиқа ичида эса Зидан иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Аввал, Зидан баландлатиб дарвозани нишонга олди ва ҳисоб тенглашди. Сўнг Зидан 11 метрлик жарима тўпини қойилмақом қилиб бажарди. Франция — Англия — 2:1.

Кеча «С» гуруҳида иккита учрашув ўтказилган бўлса, бугун «D» гуруҳида ҳам шунча учрашув бўлади. Эртадан бошлаб гуруҳларда иккинчи тур ўйинлари бошланади.

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

**Орамиздаги одамлар**

# КИТОБ ДЎСТИ

Оддий замондошларимиздан бири, турли йилларда турли лавозимларда фаолият кўрсатган Усмон Ҳотамовнинг номи элга танилгани китобга дўстлиги туфайлидир. Асли бу хислат ҳуқуқшунослар оиласида туғилиб камол топган Усмонжонга акалари кайвони ношир Наримон ва таниқли олим Қодир Ҳотамовлардан ўтган бўлиши керак.

Усмон Ҳотамовнинг умр йўли ҳақли равишда икки улкан фаслга бўлинади. Биринчиси китоб, дарслик қўлланма, уларнинг тарғибот-ташвиқоти, савдоси ва унинг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Кейингиси, фаол зиёлилик ҳаётининг чорак асри китобсеварликка бағишланганини рост. Илгари республика матбуот қўмитасининг китоб савдоси тармоғи бўларди. Усмон Ҳотамов «Ўзбеккитобсавдо»нинг Бухоро вилоят бошқармасини бошқарди. Қадимий маърифат, маънавият ўчоғи бўлган Бухорои шарифда китобсеварлар маънавий эҳтиёжларини қондиришда бор билими ва тажрибасини аямади. Ўзбек китобининг жаҳонга чиқиши — Бухорога келган турист-саёҳатчилар орқали, ўзбек халқи урф-одатлари, турмуш тарзи, маданий-маърифий салоҳиятининг оламга тарқалишида беминнат хизмат қилди. Айни пайтда жаҳон адабиёти — маданий-маиший турмуш тарзи китоблар орқали Ўзбекистонга кириши, бухороликларга эш бўлишида ҳам Усмон Ҳотамовнинг камтарин ҳиссаси бор.

Мустақиллик йилларига келиб, тизимнинг ўзгариши китоб савдосида янги давр бошланганидан далолат берар эди. Савдо, хусусан китоб савдоси ҳам хусусийлашди, ота-она, талаба, ўқувчи-ёшларни китоб билан таъминлаш масъулияти давлат вазирликлари ва нашриётлари зиммасида бўлсада, уни тарқатиш, сотиш, яна китобсеварлар чекига тушди. Шу мураккаб жараёнда Усмон Ҳотамов тадбиркор тижорат ходимига айланди. Бухорода китоб савдосининг бегона, тасодифий «ишбилармонлар» қўлига ўтиб кетишига йўл қўймади. Масъулияти чекланган жамият тузиб, Бухоро китоб савдосини ўз оиласи касби корига айлантирди. Бу билан ижтимоий-сиёсий, бадиий-маърифий адабиётнинг тарқатилиши, хусусан мактаблар, лицей ва гимназияларга, мактабларнинг 1-синфларига бепул алифбо ва ўқув қуроллари тарқатиш, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Дарсликларнинг сақланиши, мактаб кутубхона фондини бутлаш китоб савдоси раҳбарининг кундалик долзарб вазифасига айланди.

Усмон Ҳотамов — Бухорода китобат дунёсининг халқ қатламлари орасига кенг кириб боришида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОТ АЙЛАНИБ ҚОЗИҒИН ТОПАР, ЭР АЙЛАНИБ ЁЗИҒИН ТОПАР

Кўпинча бу мақолнинг биринчи қисминигина айтиб юрардилар. Унинг тўғри маъноси шуки, отни (бошқа уй ҳайвонларини ҳам далада, яйлов жойда бемалол яйраб, ўтлаб юрсин деб, уни узун арқонга боғлаб, қозиқ қоқиб қўядилар. От ён-атрофда ўтлаб юраверади-ю, аммо қоқилган қозиқдан йироққа кетиб қололмайди, айланиб-айланиб яна шу ерга келиб қолаверади. Мақолда ана шу ҳол мисолга олинган ва мажозан: «Бирор сабаб билан (аразлаб, хафа бўлиб, келишолмай, чиқишолмай, норизо бўлиб, бирор айб қилиб қўйиб ва ҳ.к.) ўз юртидан, оиласидан ё иш жойидан бошқа ерларга кетиб қолган одам ахири бир кунмас-бир кун қайтиб келади, яна ўз туғилиб-ўсган жойида, ўз ишида муқим топиб, тиниб-тинчиб, турғун бўлиб қолади», демоқчи бўлинади.

Мақолнинг иккинчи қисмини қўша айтганларида эса: «Йигит ёшлигига, тажрибасизлигига бориб, бирор ёзиқ (айб, гуноҳ) қилиб қўйса-ю, бу айбини, хатосини тан олмай, ўзгаларнинг панд-насиҳатига кирмай, ўз айтганидан қолмай, ўжарлик қилиб ҳар қанча юравармасин, барибир ёши улғайиб, яхши-ёмонни кўриб, «оқ-қорани таниб», эс-ҳушини йиғиб олгач, бир кунмас-бир кун ўз ёзиғини топади, яъни айбига иқрор бўлиб, хатосини тан олиб, одамлардан узр сўрайди», демоқчи бўладилар. Юқоридаги мақолни «От айланиб қозиғин топар, Сув айланиб ёриғин топар»; «От айланиб қозиғидан кетмайди»; «От айланиб қозиғига қайтади» деб ҳам ишлатадилар.

### ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

«Осмон йироқ, ер қаттиқ, ўлай десам, жон тотлиқ»; «Кўкка боқсам, кўк йироқ, Ерга боқсам, ер қаттиқ»; «Кирарга ер қаттиқ, Қиярга жон тотлиқ»; «Ўлай десам, ўлолмайман, Тирик гўрга киролмайман». Бу мақоллар ҳаддан ташқари оғир аҳволга, ноиложлик ҳолатига тушиб қолган кишилар томонидан: «Жуда оғир аҳволга тушиб қолдим. Лекин, иложим қанча: осмон узоқ, ер қаттиқ (яъни, ўлай десам ўлолмайман — жон ширинлик қилади, тириклайин эса ерга киролмайман)», деган маънода айтилади.

**«MADINA-T» OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI OʻZBEKISTON — TURKIYA QOʻSHMA KORXONASI КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Madina-T» ochiq aksiyadorlik jamiyati Oʻzbekiston — Turkiya qoʻshma korxonasi ўз кредиторларини 2004 йил 10 июнда ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши қарорига биноан жамият Устав фонди миқдори 149 783 400 сўмдан 98 351 500 сўмга камайтирилганлиги ва унинг янги миқдори 51 431 900 сўм этиб белгиланганлиги, жамият Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидан «Madina-T» ochiq aksiyadorlik jamiyatira қайта ўзгартирилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Кредиторлар ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан 30 кунлик муддат ичида жамиятга нисбатан бўлган талабларини муддатидан илгари адо этишни талаб қилишлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қайнарсой кўчаси, 136-уй. Тел: 65-26-43.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Товар сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAYʼATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SAʼDULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi oʻrinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir oʻrinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir oʻrinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SAʼDULLAYEV**
**Toʻlepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdugʻani MAMASODIQOV**
(Masʼul kotib)

**MUASSIS:**
OʻZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BOʻLIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Maʼnaviyat va maʼrifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Masʼul kotib — 133-72-83
Reklama va eʼlonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Fargʻonada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOʻCHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Anvar SAMADOV**

Gazeta «Oʻzbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchilar:**
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon koʻchasi, 41-uy.*

*Gazeta Oʻzbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan roʻyxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini koʻchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 765

**10111 nusxada bosildi**

t — Тижорат материали

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 01.00*
1 2 3 4 5 6

**SOTUVDA ERKIN NARXDA**